МАҲАЛЛА — ХАЛҚ ВИЖДОНИ

# Mahalla

1996 йилдан чиқа бошлаган ✸ 2013 йил 8 март, Жума №20 (880) ✸ www.mahallagzt.uz ✸ info@mahallagzt.uz

# ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Муҳтарама онахонлар, қадрли опа-сингиллар, дилбар қизларим!

Табиат уйғониб, тобора чирой очаётган мана шу шукуҳли айёмда сиз, азизларни, сизлар орқали бутун Ўзбекистон аёлларини 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни билан чин қалбимдан муборакбод этиб, эзгу тилакларимни билдиришдан бахтиёрман.

Биз ҳаёт фалсафаси, маъно-мазмуни ва гўзаллигини биринчи навбатда барчамизни дунёга келтирган, оқ ювиб, оқ тараб вояга етказган муқаддас Она сиймосида, аёл тимсолида кўрамиз, аёл зотини Яратганнинг тенгсиз мўъжизаси, деб улуғлаймиз.

Ҳақиқатан ҳам, гўзаллик ва нафосат, меҳру муҳаббат, вафо ва назокат рамзи бўлган, ўзининг меҳрибонлиги, қалб саховати билан ҳар қайси оилани оила қиладиган, унга файзу тароват берадиган, фарзандларимиз юрагига ўз она юртига севги ва садоқат туйғусини сингдирадиган аёлларимизнинг бетакрор фазилатлари ҳақида ҳар қанча гапирсак, уларни ҳар қанча эъзозласак, арзийди, десам, ўйлайманки, бугун барча юртдошларимнинг кўнглидаги фикрларни ифода этган бўламан.

Қадрли опа-сингиллар!

Барчамизга аёнки, дунёда давлат ва жамиятнинг нуфузи, маданий даражасини кўрсатадиган мезонлар кўп. Лекин ҳар қайси миллат ва халқнинг маънавий камолотини яққол акс эттирадиган шундай бир мезон борки, у ҳам бўлса, жамиятнинг хотин-қизларга бўлган муносабати, ҳурмати билан белгиланади.

Шу маънода, аёлларни улуғлаб, ардоқлаб, бошига кўтариб яшайдиган халқ ўзининг юксак маданияти ва олижаноб қадриятларини амалда намоён қиладиган ва тасдиқлайдиган халқ сифатида обрў-эътибор қозонади, десак, янглишмаган бўламиз.

Мустақил тараққиёт йилларида Ўзбекистонимизни ҳар томонлама равнақ топтириш, олдимизда турган эзгу мақсадларга эришиш йўлида бутун халқимиз қатори хотин-қизларимизнинг беқиёс ҳиссаси борлигини биз ҳамиша миннатдорлик билан таъкидлаймиз.

Азалдан муҳтарама аёлларимизга хос бўлган меҳнатсеварлик, меҳрибонлик, шукроналик ва орасталик, рўзғорни, умуман, оила ҳаётини оқилона бошқариш фазилатлари энг юксак таҳсинларга сазовордир.

Айни вақтда давлат идоралари бошқарувида ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизда — ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, илм-фан, маданият каби турли жабҳаларда, хусусан, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, «Соғлом она — соғлом бола» сингари бутун дунёда тан олинган дастурларимизни амалга оширишда опа-сингилларимизнинг ибрат кўрсатиб, самарали меҳнат қилаётганини мамнуният билан эътироф этамиз.

Шу борада биргина мисол — мамлакатимиз иқтисодиётининг барча соҳа ва тармоқларида меҳнат қилаётган аҳолининг 50 фоизга яқинини айнан хотин-қизлар ташкил этаётганининг ўзи кўп нарсани англатади, деб ўйлайман.

Албатта, биз опа-сингилларимизнинг меҳнат ва турмуш шароитларини янада яхшилаш, оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, фарзандларимиз, айниқса қиз болаларнинг замонавий билим ва касб-ҳунар, илм-фан чўққиларини эгаллаб, ҳаётдан муносиб ўрин олишлари учун бошлаган ишларимизни изчил давом эттиришимиз кераклигини яхши тасаввур этамиз.

Юртимизда 2013 йилга «Обод турмуш йили» деб ном берганимиз ва шу асосда давлат дастури қабул қилганимиз замирида аввало ана шундай амалий ишларимизни янги, юксак босқичга кўтаришдек эзгу мақсад мужассамдир.

Жорий йилда давлат бюджети харажатларининг қарийб 60 фоизини ижтимоий соҳаларга йўналтириш, иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендиялар миқдорини ўртача 23 фоизга ошириш бўйича белгилаб олган режаларимиз, ҳеч шубҳасиз, бу йўлда яна бир салмоқли қадам бўлади.

«Обод турмуш йили» Давлат дастурида оила институтини мустаҳкамлаш, аёлларнинг жамият ҳаётидаги роли ва нуфузини юксалтириш, уларнинг қобилият ва имкониятларини рўёбга чиқариш, хотин-қизларни, хусусан, қишлоқ жойларда иш билан таъминлаш, оилавий бизнес ва касаначиликни ривожлантириш, аёлларга кредит ажратиш орқали уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш каби биз учун устувор бўлган вазифаларга алоҳида ўрин берилгани айниқса эътиборлидир.

Халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини янада ошириш мақсадида замонавий ишлаб чиқариш корхоналари, шифохоналар, таълим-тарбия, маданият ва санъат, спорт масканлари, коммуникация тармоқлари, савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларини қуриш, янги турар-жойлар, жумладан, қишлоқларимизда намунавий лойиҳалар асосида 10 мингта уй-жой барпо этиш, катта ҳажмда ободончилик ишларини амалга ошириш кўзда тутилмоқда.

Шулар қаторида аёлларимизнинг оғирини енгил қилиш масаласи ҳам, табиийки, эътиборимиз марказида бўлади. Хусусан, хотин-қизларнинг уй-рўзғор юмушларини енгиллатиш мақсадида мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маиший техника ва зарур товарларни харид қилиш учун бериладиган истеъмол кредитлари ҳажмини 1,3 баробар ошириш мўлжалланаётганини қайд этиш жоиз.

Бундай улкан режаларни ҳаётга татбиқ этиш учун 6 триллион 650 миллиард сўмдан зиёд маблағ йўналтирилаётганининг ўзи бутун ҳаётимизни қамраб оладиган кенг кўламли мақсад ва вазифаларни яққол ифода этади, десам, айни ҳақиқатни айтган бўламан.

Азиз опа-сингилларим, қадрли қизларим!

Айни шу дамларда қалбимда, юрагимда сизларга доимо сақланиб келаётган чуқур ҳурматимни изҳор этиб, бир фикрни билдирмоқчиман.

Аёл зотига, айнан сизларга мансуб гўзал фазилатлар, ҳаётимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик ва меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш, ҳамжиҳатлик ва аҳиллик каби инсоний туйғуларни янада юксалтириш, фарзандларимизни соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш йўлидаги эзгу интилишларингиз, беқиёс хизматларингиз учун бутун юртдошларимиз, халқимиз номидан барчангизга таъзим қилишни ўзимнинг шарафли бурчим, деб биламан.

Яна ва яна бир бор сизларни баҳор ва нафосат айёми бўлмиш 8 март байрами билан самимий табриклайман.

Умрингиз узоқ, ризқу насибангиз зиёда бўлсин!

Ҳамиша толеингиз баланд бўлсин!

Хонадонларимиздан шоду хуррамлик, қут-барака аримасин!

Халқимиз, Ватанимиз, фарзандларингиз бахтига доимо омон бўлинг, азизларим, меҳрибонларим!

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

# ОИЛАДА — ОҚИЛА, ЖАМИЯТДА — ФАОЛ



**«Туркистон» саройида 7 март куни Халқаро хотин-қизлар байрами муносабати билан тантанали тадбир бўлиб ўтди.**

**Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини, ижтимоий фаоллигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, турмушимиз ободлиги ва фаровонлиги, жамиятимиздаги ҳамжиҳатлик ва осойишталик кўп жиҳатдан опа-сингилларимизга боғлиқ.**

«Туркистон» саройида 7 март куни тантанали тадбир бўлиб ўтди. Саройга турли соҳаларда самарали меҳнат қилаётган аёллар, хотин-қизлар қўмиталари фаоллари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари, сенаторлар, депутатлар, вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари таклиф этилди.

Тадбир иштирокчилари дастлаб Мустақиллик майдонида бўлиб, ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи – Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйдилар.

Тантанали йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими Р.Усмонов очди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон хотин-қизларига байрам табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида хотин-қизларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларга муносиб шарт-шароитлар яратиш, қобилиятини рўёбга чиқариш, оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар юксак самаралар бераётганини таъкидлади.

> [2]

8 МАРТ — ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ

# ЮКСАК ЭҲТИРОМ ВА ЭЪТИБОР ИФОДАСИ

**Юртимизда ҳар йили барча инсонлар қалбига ўзгача илиқлик олиб кирадиган фасли баҳорнинг илк кунларида азизу мукаррам онажонлар, мунис опа-сингиллар, меҳрибон қизларимиз айёми — 8 март Халқаро хотин-қизлар куни кенг нишонланади.**

Ана шундай дамларда барча соҳаларда меҳнат қилиб, гўзал ва бетакрор она-Ватанимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келаётган аёллар ҳақида ҳар қанча таҳсин айтсак ярашади.

Бутун ҳар бир соҳада хотин-қизларнинг ўз ўрни бор. Бу юртимизда истиқлол йилларида аёлларнинг жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлаш, уларнинг ҳуқуқий ва сиёсий билимларини оширишга қаратиб келинаётган изчил ислоҳотлар самарасидир.

Мамлакатимиз Бош қомусида алоҳида бир боб — XIV боб оила, оналик ва болаликка бағишланган. Ўзбекистон 1995 йили Марказий Осиё давлатлари орасида биринчилардан бўлиб, БМТнинг Хотин-қизлар камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенциясига аъзо бўлди.

Эътибор ва рағбат беиз кетмайди, албатта. Юртимизда кучли фуқаролик жамиятини барпо этишда ҳам хотин-қизларнинг ҳиссаси сезиларли даражада ортди. 2004 йилда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонуннинг 22-моддасига сиёсий партиялар томонидан мамлакат парламенти депутатлигига кўрсатилган номзодларнинг камида 30 фоизи хотин-қизлардан иборат бўлиши ҳақидаги норма киритилди.

> [2]



ЮРТИНГ ОБОД — ДИЛИНГ ОБОД

КАШКАДАРЁ ВИЛОЯТИ

*Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгилаб берилган вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида маҳаллаларни хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш, касаначилик, миллий ҳунармандчиликни ривожлантириш, янги иш ўринлари ташкил этиш орқали аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш борасида вилоятда қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.*

*Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан кўрсатилган амалий ёрдам натижасида ўтган йили ҳудудда мева-сабзавот етиштириш йўналишида 9 та, паррандачилик йўналишида 39 та, асаларичилик йўналишида 12 та, балиқчиликда эса 10 та тадбиркорлик субъекти фаолияти йўлга қўйилди. Шунингдек, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси ривожлантирилди. Вилоятнинг Касби, Косон, Қарши шаҳрида хизмат кўрсатиш тизимида, хусусан, тикувчилик, сартарошлик, новвойчилик, косиблик ва бошқа йўналишларда 71 та тадбиркорлик субъекти ташкил этилди.*

*Фуқаролар йиғинларида каштачилик, тикувчилик ва тўқувчилик каби йўналишларда касаначилик фаолияти изга туширилди. Пировард натижада, юздан ортиқ янги иш ўринлари яратилди.*

*Жойларда томорқадан самарали фойдаланиш бўйича муайян чора-тадбирлар кўриляпти. Бўлим ва фуқаролар йиғинлари томонидан тегишли ташкилотлар билан биргаликда томорқа эгаларига сабзавот, полиз ва картошка уруғлари, кўчатлар, минерал ҳамда маҳаллий ўғитлар, ҳашарот ва зараркунандаларга қарши ишлатиладиган кимёвий воситалар етказиб берилаётир.*

*Бир сўз билан айтганда, юртимизда яратилган имкониятлардан унумли фойдаланиб ҳам оиласи дастурхонига файз киритаётган, ҳам мамлакатимиз ривожига муносиб ҳисса қўшаётган тадбиркор юртдошларимиз сафи йил сайин кенгайиб бормоқда.*

Музаффар ТУРОПОВ,
«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Қашқадарё вилояти бўлими бошқаруви раиси.

ЭЪТИРОФ

# ЭНГ НОЁБ ДУРДОНАЛАР АЁЛЛАРГА АТАЛГАН



Халқингизга хос фазилатларни Ўзбекистонга келиб кўрдим, ўргандим. Айниқса, андиша, ор-номус, ҳаё ва ибо каби ўзбек аёлларига хос хислатларни тушунтиришда мен қўним топган Бобур номидаги маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Дилбар Тўрабекованинг ҳиссаси катта.

Эътироф этиш жоизки, бошқарувнинг ўзбекона тизими — маҳаллалар фаолияти мазкур фазилатларнинг янада сайқалланишида муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, йиғинга оқила, юксак билимли, катта тажрибага эга аёлларнинг маслаҳатчи бўлиб сайланиши ноёб ҳодисадир.

Аёл — жамият гултожи, меҳр ва муҳаббат тимсоли. Унинг муқаддаслигини шундан ҳам билиш мумкинки, инсоният учун қадри юксак тушунчалар она номи билан қўшиб айтилади: она-Ватан, она тили, она юрт... Дунёдаги барча гўзаллик ва тугалликлар, халқ санъатининг энг ноёб дурдоналари аёлларга аталган. Ҳаётнинг мазмуни аёл номи билан боғлиқ эканини инобатга олиб, дунёнинг бошқа давлатларидаги аёллардан кўра ўзбек аёллари бахтлироқ, деган хулосага келдим.

> [2]

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

# ОБОДЛИК БОР ЖОЙДА БАРАКА БЎЛАДИ

**Халқимиз азалдан ҳудуд озодалиги, атроф-муҳит мусаффолигига алоҳида эътибор қаратиб келган: уй-жойи, ҳовлиси, кўчасини супуриб-сидиришга, тоза сақлашга интилган. Зотан, ободончилик боқий қадрият сифатида эзгу амалларимиздан бирига айланган.**



Жамиятимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар, ҳаётимиздаги янгиликлар, аввало, маҳаллаларда яққол намоён бўлади. Энг муҳими, маҳалладошларимиз ҳудуд ободлиги, орасталиги учун жон куйдириб, дарахт экиш, кўчаларни, ариқ ва зовурларни тозалаш ишларида ташаббус кўрсатмоқдалар.

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви томонидан ўтказилган «Атроф-муҳитни экологик муҳофаза қилишда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ўрни ва аҳамияти» мавзусидаги матбуот анжуманида шулар ҳақида сўз борди.

Унда Фонд тизими мутасаддилари, ҳамкор ташкилотлар вакиллари, фуқаролар йиғинлари раислари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

> [3]

РАИС СЎЗ СЎРАЙДИ

# ОЗОД ЮРТНИНГ БАҲОРИ КЎРКАМ ВА ТАРОВАТЛИ

**Қишнинг сўнгги ойи илиқ келганидан фойдаланиб кўчаларга, ҳовлиларга гул ва манзарали дарахт кўчатлари экиб қўйдик. Тозалаш, ободонлаштириш ишлари давом этаётир. Обод турмуш йилининг баҳорини хуш кайфият билан қарши оляпмиз.**



Халқимизда: «Қантар оғса, қор турмас», деган нақл бор. Дарҳақиқат, март ойи бошланиши билан табиатда ҳам, одамларнинг кайфиятида ҳам баҳорнинг нафаси сезилиб қолди. Айниқса, Жиззахнинг Қизилқумга туташ жанубий қисмида жойлашган бизнинг қишлоқларга ҳамал ёндош ҳудудларга қараганда бирмунча барвақт келади.

Фуқаролар йиғинимиз таркибига Учтепа, Янги ҳаёт, Янги обод қишлоқлари киради. Учта қишлоқдаги 1 ярим мингдан зиёд хонадонда 10 минг 200 нафар аҳоли истиқомат қилади. Жиззах—Мирзачўл автомобиль йўли бўйидаги бу қишлоқлар вилоятимизнинг энг обод манзилларидан.

Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизда «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилишини ривожлантириш» Дастури амалга ошира бошлангандан сўнг ҳудудимиз янада кўркам бўлди. Ўтган қисқа вақт мобайнида Учтепа массивида намунавий лойиҳа асосида 168 та замонавий уй-жой бунёд этилиб, бу ер кўркам шаҳарчага айланди.

> [3]

# ОИЛАДА – ОҚИЛА, ЖАМИЯТДА – ФАОЛ



< [1]

Давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигини янада ошириш, уларнинг таълим олиши, меҳнат қилиши, ўз билими ва қобилиятини намоён этиши учун кенг шароит яратиш борасидаги ишларни такомиллаштиришда муҳим омил бўлаётир. Юртимизда тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини янада яхшилаш, аёллар, айниқса, ўсмир қизлар саломатлигига эътиборни кучайтириш, туғуруқ ёшидаги аёлларни ихтисослаштирилган тиббий кўрикдан мунтазам ўтказиш, жамиятда «Соғлом она — соғлом бола» тамойилини кенг қарор топтиришга оид ишлар изчил давом этмоқда.

Таълим тизимининг барча бўғинларида жорий этилган «Ораста қизлар» тўгаракларининг фаолияти қизларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, уларнинг жамият олдидаги ижтимоий масъулиятини ошириш, маънавиятини юксалтиришга ҳисса қўшмоқда. Президентимизнинг 2012 йил 9 июлда қабул қилинган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари меҳнатини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони маҳаллаларда хотин-қизлар билан ишлаш, оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш, ёшлар тарбиясига оид ишлар самарадорлигини янада оширишда муҳим омил бўлмоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан Обод турмуш йили деб эълон қилинган жорий йилда хотин-қизлар учун муносиб шароитлар яратиш, оғирини енгил қилиш, ўсмир қизлар соғлиги ҳақида алоҳида ғамхўрлик кўрсатишга оид ишлар кўлами ортмоқда.

Президентимиз ташаббуси билан таъсис этилган Зулфия номидаги Давлат мукофоти фан, таълим, санъат ва маданият, адабиёт йўналишида ўз тенгқурларига ибрат бўлаётган иқтидорли қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг эзгу орзу-интилишларини рўёбга чиқаришда қанот бўлмоқда. Йиғилишда жорий йилда Президентимиз қарорига биноан Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлган қизларга ушбу юксак мукофотлар тантанали равишда топширилди.

— Қизлари доимий меҳр-ардоқда, эъзозда бўлган, беғубор орзу-интилишларга қанот бағишлаётган шу муқаддас Ватанда туғилиб, вояга етганимдан фахрланаман, — дейди Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори, Жиззах давлат педагогика институти жисмоний маданият факультети 3-курс талабаси Ирода Матмуродова. — Юртбошимиз томонидан билдирилган бундай юксак ишонч ва эътиборга аъло ўқиш, ҳалол меҳнат билан жавоб бериш бизнинг фарзандлик бурчимиздир.

Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари — Қорақалпоқ Давлат университети журналистика факультети 1-босқич талабаси Айшолпан Оразимбетова, Сурхондарё вилояти Ангор педагогика коллежи 3-босқич ўқувчиси Сарвиноз Шайдуллаева хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаоллигини янада ошириш борасида кўрсатаётган доимий эътибори ва ғамхўрлиги учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди. Зулфияхоним издошлари сафига қўшилган қизлар — Бухоро Давлат университети қошидаги академик лицейнинг 1-босқич ўқувчиси Нафосат Жўрабекова, Андижон вилояти Олтинкўл Агроиқтисодиёт коллежи 2-босқич ўқувчиси Саидабону Абдусаломова Ўзбекистон халқ шоири Зулфиянинг «Мушоира» шеърини ўзбек ва инглиз тилларида ўқиб берди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Шерзод Ғуломов, Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлимининг раиси Жавдат Иноғомов мамлакатимизда хотин-қизларни эъзозлаш борасидаги ишлар Ватанимизни янада обод этиш, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, оилалар фаровонлигини таъминлашдек эзгу мақсадларга хизмат қилаётганини таъкидлаб, хотин-қизларни байрам билан табриклади.

Сарой фойесида миллий ҳунармандликни ривожлантиришга оид кўргазма ташкил этилди.

Кечада санъат усталари ва ижрочи ёшларнинг байрам концерти намойиш этилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси И.Собиров, Қонунчилик палатаси Спикери Д.Тошмуҳамедова, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев иштирок этди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

НАМУНАЛИ ҚВП

# ТИББИЙ МАДАНИЯТ ТОБОРА ЮКСАЛМОҚДА

**Бугунги кунда ҳукуматимиз томонидан соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури доирасида жойларда янги ва замонавий қулайликларга эга қишлоқ врачлик пунктларини ташкил этиш, умумий амалиёт шифокорларини тайёрлаш, муассасаларни тиббий жиҳозлар, асбоб-ускуналар билан таъминлаш, малакали кадрлар фаолиятини такомиллаштириш сингари чора-тадбирлар изчил давом эттирилмоқда.**

Натижада аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш, шунингдек, тиббиётимиз ривожини юксалтириш борасида кенг қамровли ишлар ҳаётга татбиқ этилаётир. Аҳамиятлиси, Қорақалпоғистон Республикасида касалликни эрта аниқлаш ва тегишли даволаш муассасаларига ўз вақтида йўналтиришда қишлоқ врачлик пунктлари ва оилавий поликлиникалар алоҳида ўрин тутади. Бирламчи тиббиёт муассасалари саналган мазкур масканлар шифокорларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли кўплаб касалликларни асоратсиз даволашга эришилаётир.

Республикада «Саломатлик-1», «Саломатлик-2» лойиҳалари асосида барпо этилган ҳамда замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан тўла жиҳозланган намунали қишлоқ врачлик пунктларидан бири Нукус туманидаги Саманбай овул фуқаролар йиғинида жойлашган. Ҳозир бу ерда 6661 нафар аҳолига 4 нафар малакали шифокор ва 15 нафар ўрта бўғин тиббиёт ходими хизмат кўрсатмоқда. Эътиборга молик жиҳати шундаки, мазкур шифо масканы жамоаси аҳоли ва овул фуқаролар йиғини билан узвий ҳамкорликни йўлга қўйган. Қишлоқ врачлик пунктида мавсум ўзгариши билан боғлиқ турли юқумли касалликларни аниқлаш, уларнинг профилактикаси бўйича иш олиб боришга жиддий ёндашилади.

— Беш нафар патронаж ҳамшираси ҳудудлардаги ҳар бир оиланинг саломатлиги учун масъул, — дейди муассаса раҳбари Маржон Ишанбаева. — Улар аҳоли ўртасида репродуктив саломатлик, она ва бола саломатлиги, соғлом турмуш тарзи, никоҳдан олдинги тиббий кўрикдан ўтишнинг аҳамияти, қизларни эрта турмушга узатишнинг салбий оқибатлари тўғрисида тарғибот-ташвиқот ишлари олиб бораётир. Қувонарлиси, қишлоқ врачлик пунктимиз 2011 йили капитал таъмирланиб, моддий-техник базаси мустаҳкамланди. Ҳозирда замонавий ФЭК, ЭКГ аппаратлари соғлигидан шикоят қилиб келган беморларга аниқ ташхис қўйишда ва касалликнинг сабаби, асоратини эрта аниқлашда қўл келаётир. Шунингдек, «Допплэр» аппарати ҳомиладор аёлларни текширувдан ўтказишда қулайлик туғдиради. Замонавий стоматология жиҳозлари билан тўлиқ таъминланганимиз ҳам аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини ошираётир.

Врачлик пунктида стерилизация, лаборатория, беморларни қабул қилиш хоналари мавжуд. Учта музлаткичда вакциналар, дори-дармонлар сифатли сақланади. Айни кунларда ҳудуддаги 4 та умумтаълим мактаб ўқувчилари тиббий кўрикдан ўтказилмоқда.



Аҳолининг саломатлигини мустаҳкамлашда шифо масканы ва овул фуқаролар йиғини ҳамкорлиги тиббий маданиятнинг юксалишига хизмат қилаётир. Боиси, йиғинда ўз вазифасининг жонкуяри, 2012 йили «Энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси» кўрик-танловининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи ғолиби Замира Бердибаева ҳар қандай вазиятда кўмакка шай, шифокорлар ва ҳамширалар билан аҳоли ўртасида, мактабларда давра суҳбатлари, учрашувлар ташкил этишда бош-қош.

— Ҳудудимизда хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкамлашга катта эътибор қаратилади, — дейди овул фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Замира Бердибаева. — Изчил тарғиботларимиз натижаси ўлароқ, опа-сингилларимиз ўз вақтида тиббий кўрикдан ўтишга жиддий эътибор қаратишмоқда. Негаки, аёли соғлом оила фаровон ва тўкис бўлади.

Қишлоқ врачлик пункти ходимлари томонидан овул фуқаролар йиғини фаоллари кўмагида аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзи тарғиботи кучайтирилган. Бунинг натижасида ҳудудда юқумли ва бошқа касалликларнинг олди олиниб, фуқароларнинг ўз соғлигига эътибори ошишига эришилди.

**Қонисбой РЕЙМОВ**
**«Mahalla»**

ЭЪТИРОФ

# ЭНГ НОЁБ ДУРДОНАЛАР АЁЛЛАРГА АТАЛГАН



< [1]

Бугунги кунда юртингизда аёлларга кўплаб имтиёзлар берилгани туфайли улар ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг, давлат ва жамиятда кечаётган ҳаётбахш ўзгаришларнинг фаол иштирокчисига айланган.

Ўзбек аёлларига яратилаётган имкониятлар, шарт-шароитларни кўриб, нафақат уларга ҳавас қилиш, айни пайтда кўнглимда шу юртга фарзанд бўлиш ҳисси тобора кучайди.

Тарихда, хусусан, Соҳибқирон Амир Темур салтанатида аёл зотини хўрлаш борасидаги ҳар қандай суҳбат тақиқланганини ўқиб, очиғи, ўзбек аёлларига ҳавасим ортди. Айниқса, Соҳибқироннинг аёлларга эҳтиром кўрсатиб, давлат бошқарувида уларнинг маслаҳатларидан фойдаланганi азалдан ўзбек аёлининг оқила ва тадбиркор эканини кўрсатади.

Ҳозирда Тошкент давлат педагогика университети талабаларига корейс тили ва адабиётидан сабоқ бериш билан бирга, ўзбек ва корейс халқларининг қаҳрамонлик эпослари — «Алпомиш» ва «Жумўнг» достонларини қиёсий ўрганиб, тадқиқот олиб боряпман.

Бу достонларнинг маъномазмунига кўра уйғун жиҳатлари талайгина экан. Жумўнг Корея тарихида катта давлатни барпо этса, Алпомиш инқирозга юз тутиб тарқаб кетаётган қўнғирот элини бирлаштиради. Ҳар иккала достонда ҳам ўз миллатининг орзу-умидларини рўёбга чиқариш йўлидаги саъй-ҳаракатлар акс эттирилган. Айниқса, «Алпомиш»да жамият гултожи ҳисобланган аёлларга эҳтиром яққол ифодасини топган.

Маҳалла фаоллари, қўни-қўшниларимнинг кўрсатган энг катта ёрдами бу — менга ўзбек тилини ўргатгани бўлди. Халқингизнинг табиатига сингиб кетган фазилатларнинг асл манбаини ҳам топгандекман. Мисол учун, ўзбек аёлларига хос назокат, нафосат каби туйғулар халқ эпосларига ҳам жо бўлган.

Қадимдан юртингизда ўзбек қизлари ўз қадр-қимматларини ҳамиша юқори баҳолашга уринганини кўриш мумкин. Мисол учун, «Алпомиш» достонида Барчиной ўзига ошиқ бўлган йигитларга қанчалар оғир ва ақлли шартлар қўя олганини бир эслайлик. Ўзбек қизи ҳамиша ўз қадрини англаган, жасоратли, ҳақиқий алп, мерган йигит билан оила қуришни истаган ва шу аснода ўз ҳуқуқини ҳам яхшигина билган.

Достонда қалмоқларнинг тўқсон алпи зуғумида қолган Ойбарчиннинг Алпомишга ёзган хатида бу ҳолат ёрқин кўзга ташланади: «Олтойчалик йўлга келдим, тўқсон алпга тойталашда қолдим, олти ойга муҳлат олдим, мендан умиди бўлса, Алпомиш келсин, бўлмаса жавобимни берсин».

Бир энлик бу мактубда хавотир, ноз ва умид билан бирга, ибо ва ҳаё ҳам акс этган. Ўзбекнинг қизи ҳақиқий маиший вазият билан эмас, кўнгли ҳолати билан яшайди. Бировга аташтирилган қиз жавобини олмаса, қаерда ва қанча бўлса ҳам, ўзини боши боғлиқ санайди, эгали деб билади. Чунки у Яратганни ўртага қўйиб онт ичган!

Шунингдек, достонда Қалдирғочнинг акасига айтган сўзларида бир умр ор-номусини асраган андишали ўзбек аёлининг ҳолати ифода этилган. Сингил қалбини ўртаган, туйғуларини жунбушга келтирган номус алангаси Алпомиш вужудидаги лоқайдлик ва дангасаликка барҳам бериб, уни қаҳрамонликлар сари ундаган.

Бугунги ўзбек маҳаллаларини достонларда номлари зикр этилган миллий фазилатларнинг муносиб ҳимоячилари ва тарғиботчилари, дейиш мумкин.

Мухтасар айтганда, халқингизнинг буюк тарихида ўзининг тенгсиз жасорати ва матонати, оқилалигию тадбиркорлиги билан ном қолдирган Тўмарис, Бибихоним, Гулбаданбегим, Зебуннисо, Нодирабегим, Увайсий, Анбар отин ва бошқа қаҳрамонлардан дунё аёллари ўрнак олса арзийди.

**Инкёнг О,**
**Сеул шаҳридаги Донгдок хотин-қизлар университети профессори, Тошкент давлат педагогика университети Корейс тили ва адабиёти кафедраси профессори.**

8 МАРТ — ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ

# ЮКСАК ЭҲТИРОМ ВА ЭЪТИБОР ИФОДАСИ

< [1]



Президентимизнинг 1993 йил 4 мартдаги Фармонига мувофиқ, мамлакатимизда биринчи бўлиб «Соғлом авлод учун» ордени таъсис этилди. Илк орденнинг айни йўналишда таъсис этилиши Юртбошимиз раҳнамолигида мустақилликнинг илк давриданоқ она ва бола саломатлигига катта эътибор қаратилганини англатади. Шунингдек, «Соғлом она — соғлом бола» дастури умуммиллий ҳаракатга айланиш баробарида хотин-қизлар саломатлигини сақлаш, ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни шакллантиришнинг самарали механизмини яратди. Мазкур дастур асосида соғлиқни сақлаш тизимида туб ислоҳотлар амалга оширилди: замонавий диагностика, скрининг ва перинатал марказлари, янги туғуруқхоналар, қишлоқларда шаҳардагидан қолишмайдиган, жаҳон талаблари асосидаги жиҳозлар билан таъминланган қишлоқ врачлик пунктлари ишга туширилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида аёлларимизнинг иқтисодий-ижтимоий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилди. Ушбу фармон билан «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ва Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозимларини жорий этиш тўғрисидаги таклифлари қўллаб-қувватланди.

Бугунги кунда юртимизнинг барча ҳудудларида 8377 нафар диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи ўз зиммасига юклатилган вазифаларини самарали бажариб келмоқда. Элда обрў-эътибор қозонган, ҳаёт тажрибасига эга фаол аёллар орасидан сайланган маслаҳатчилар жойлардаги маънавий муҳит барқарорлигини мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш йўлида бор билим ва малакаларини сафарбар қилишмоқда. Биргина 2008-2012 йиллар мобайнида жонкуяр ва фидойи диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларнинг эллик нафарга яқини «Эл-юрт ҳурмати», «Фидокорона хизматлари учун», «Меҳнат шуҳрати», «Дўстлик», II даражали «Соғлом авлод учун» орденлари ҳамда «Шуҳрат» медали каби давлатимизнинг юксак даражадаги мукофотлари билан тақдирланишди.

Улар фаолиятини янада кучайтиришда «Фуқаролар йиғинларининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси» кўрик-танловининг аҳамияти катта бўлаётир. Мазкур кўрик-танлов маҳаллаларда барқарор диний ва маънавий-ахлоқий муҳитни қарор топтириш борасида самарали фаолият кўрсатаётган диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларни аниқлаш, уларнинг илғор иш тажрибаси, эришган ижобий натижаларини оммалаштириш мақсадида «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви ва бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида анъанавий тарзда ўтказиб келинмоқда.

— Ҳудудимизда хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкамлаш, эрта ва қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг олдини олиш, оилавий тадбиркорлик ва касаначилик асосида аёллар бандлигини таъминлаш борасида изчил тадбирлар олиб боряпмиз, — дейди Зарафшон шаҳридаги «Баҳор» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, 2012 йилда ўтказилган «Энг намунавий диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи» кўрик-танловининг республика босқичи 1-ўрин соҳибаси Холида Эргашева. — Маслаҳатчилар ўртасида ҳар йили ўтказиб келинаётган мазкур танлов ўзимизда мавжуд тажриба ва кўникмаларимизни намойиш этиш баробарида, бошқа ҳудудлардаги илғор иш услублари, ютуқларни ўрганиш, йўл қўяётган камчиликларимизни бартараф этиш имкониятини бериши билан ҳам аҳамиятлидир.

Маҳалла тизимида аёл ходимларнинг алоҳида ўрни бор. Республикамиздаги 1250 та фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларида аёл раислар раҳбарлик қилмоқдалар. Шунингдек, йиғинларда масъул котиб вазифасида, «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари қошидаги қатор комиссиялар таркибида ҳам фаол опа-сингилларимиз ўз билим ва салоҳиятларини намоён этишаётир.

— Маҳалламизда ҳар доим ободонлаштириш ишларига алоҳида аҳамият қаратиб келаман, — дейди Марҳамат туманидаги «Мингтепа» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, «Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳибаси Хайрихон Эгамбердиева. — Негаки, юрт ободлигидан кўнглингиз нурафшон бўлади, бошлаган ишларингизга барака инади. Ҳудудимизнинг бугунги қиёфаси кўзни қувнатади: қад ростлаган кўркам бинолар, аҳоли хизмати учун шай қилинган савдо ва хизмат кўрсатиш нуқталари, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шохобчалари фаолиятидан маҳалладошларимиз мамнун. Тадбирли, ташаббускор аёлларимиз рўзғорига улуш қўшсам, дея интилиб яшайди. Уларнинг бандлигини таъминлаш борасида барча имкониятларни ишга солганмиз.

Республикамиз маҳаллаларида 8 март — Халқаро хотин-қизлар кунини кенг нишонлаш юзасидан «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқарувининг қарори қабул қилинган. Унга кўра, жойлардаги қишлоқ, овул ва маҳалла фуқаролар йиғинлари томонидан 5-6-7 март кунлари байрам тадбирларини юқори савияда ташкил этиш мақсадида ҳудуддаги таълим муассасалари заллари, маҳалла гузарларида байрамга бағишланган тадбирларни ўтказиш чора-тадбирлари белгиланди. Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, Фонд республика бошқарувининг Фахрий ёрлиғи билан тақдирлашга тавсия этилган фаол аёлларга байрам совғалари ҳозирланиб, ҳудудларда байрам муносабати билан ўтказилган тадбирларда тантанали тарзда топширилди.

Жойларда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Нуроний» жамғармаси, «Камолот» ЁИҲ каби ҳамкор ташкилотлар кўмагида кўп йиллар давомида фидокорона меҳнати билан эл орасида обрў-эътибор қозонган, ўз қишлоғи, маҳалласи равнақига, тинчлиги ва ободлигига муносиб ҳисса қўшган нуроний онахонлар, шунингдек, маҳалладаги 100 ёшдан ошган, ёлғиз оналар, меҳнат ва уруш фахрийлари, мустақиллик йилларида хизмат вазифасини бажариш чоғида вафот этган фуқароларнинг оилалари, ижтимоий ҳимояга муҳтожлар, боқувчисини йўқотганлар, имконияти чекланганлар иштирокида байрам кечалари уюштирилаётир.

Маҳаллада яшаш — кўпчиликнинг эътибори ва меҳрини туйиб умргузаронлик қилиш демакдир. Шу боис, ушбу айём арафасида маҳалладаги ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар, фахрийлар, ёлғиз аёллар, пенсионер ва ногиронларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилди.

Бундан ташқари, Фонд тузилмалари «Мурувват» ва «Саховат» уйларидаги ёлғиз, кекса онахонларни, ногиронларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш тадбирларини ҳам амалга ошираётир.

Фуқаролар йиғинларида, чекка ҳудудларда катта ҳаётий тажрибага эга зиёли ва нуроний аёллар иштирокида давра суҳбатлари ва учрашувлар ўтказилаётгани, айниқса, ўсмир қизларимизнинг ҳар томонлама билимли, оқила ва тадбирли бўлиб камолга етишида муҳим омил. Онахонларнинг пурмаъно сўзлари, ҳаётий ҳикоялари, насиҳатлари бўлғуси оила соҳибалари учун тарбия мактабидир.

Маҳаллаларда ва ўқув муассасаларида ташкил этилган «Ораста қизлар» тўгараклари, йиғинлар қошидаги «Ота-оналар университети»да ҳам миллатимиз келажаги тарбиячилари камолоти йўлида таъсирчан тарғибот ишлари олиб борилияпти. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузуридаги Хотин-қизлар билан ишлаш комиссиялари оила чароғбони бўлган опа-сингилларимизнинг жамиятдаги мавқеи, ижтимоий фаоллигини ошириш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилиш борасида изчил фаолият кўрсатмоқда.

— Президентимизнинг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари меҳнатини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони бизнинг камтарона меҳнатимизни қадрлаш баробарида ўз устимизда тинимсиз ишлашга ундади, — дейди Учтепа тумани Юсуф Саккокий номидаги маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, «Меҳнат шуҳрати» ордени соҳибаси Муҳайё Акрамхўжаева. — Зеро, йиғинлар мутасаддилари ҳудудлар тинчлиги, осойишталигини таъминлаш, кишилар онгига соғлом фикр, соғлом тафаккурни сингдиришга масъул саналадилар.

Ҳа, аёлини ардоқлаган юртнинг келажаги нурафшон. Негаки, у эртанги кун эгалари тарбиячисидир. Обод ва осойишта диёримизда нозик хилқат вакилаларига ана шундай эҳтиром кўрсатилмоқда.

**Феруза ЭГАМОВА**
**«Mahalla»**

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

# ОБОДЛИК БОР ЖОЙДА БАРАКА БЎЛАДИ



< [1]

— Бугунги анжуманни ўтказишдан кўзда тутилган мақсад инсон саломатлигини асрашнинг муҳим омилларидан бири бўлган атроф-муҳит орасталигини таъминлашда фуқаролар йиғинлари томонидан амалга оширилаётган ишларни муҳокама қилишдан иборат, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раиси ўринбосари Гавҳар Алимова. — Ҳудудлар ободлиги бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири бўлгани боис, бу борада жамоатчилик назоратини ҳамда ободонлаштириш бўйича тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш ваколати қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган. Бу эса, фуқаролар йиғинларининг ҳуқуқий мақоми тобора юксалиб, турмуш ободлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этаётганидан далолат.

Дарҳақиқат, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонуннинг 10-моддасида шаҳарча, қишлоқ, овул ва маҳалла фуқаролар йиғинлари атроф-муҳитни ободонлаштириш масалалари юзасидан ўз ваколати доирасида тегишли ҳудудда жойлашган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиши, атроф-муҳитни муҳофаза қилишга кўмаклашиши лозимлиги мустаҳкамлаб қўйилган. Шунингдек, қонуннинг 12-моддасида фуқаролар йиғини кенгаши аҳолининг уйларни, ҳовлилардаги биноларни, уй-жойлар атрофидаги ҳудудларни кўкаламзорлаштириш ва ораста сақлаш қоидаларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириши белгиланган.

Анжуманда истиқлол йилларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари — маҳаллалар ҳаёти тубдан яхшилангани, жамиятимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар, аввало, маҳаллаларда яққол намоён бўлаётгани, аҳолининг ўзи маҳалла ободлиги, орасталиги учун жон куйдириб, дарахт экиш, кўчаларни, ариқ ва зовурларни тозалаш ишларида ташаббус кўрсатаётгани алоҳида эътироф этилди.

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви, унинг ҳудудий тузилмалари ҳамда маҳалла фуқаролар йиғинлари томонидан атроф-муҳитни муҳофазалаш, ҳудудларнинг орасталигини сақлаш йўлида муайян ишлар амалга ошириб келинмоқда. Хусусан, фуқаролар йиғинлари ҳудудларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш мақсадида маҳаллаларда ҳашар ўтказишнинг йўлга қўйилгани натижасида жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 8,5 млн. нафардан зиёд аҳоли иштирокида республикамизнинг 49 минг гектардан зиёд майдони ободонлаштирилди. 20 минг километрдан ортиқ ариқ ва лотоклар тозаланди, 7 млн.дан зиёд дарахтларга шакл берилиб оқланди.

Шунингдек, 6 мингдан зиёд тарихий обидалар, муқаддас қадамжолар, қабристонлар ободонлаштирилди ва тартибга келтирилди. 50 минг тоннадан зиёд маиший ва қурилиш чиқиндилари белгиланган жойларга олиб чиқиб ташланди. Маҳаллаларнинг ички йўллари, йиғин бинолари ва гузарлар атрофларига 2 млн.га яқин мевали, 4 млн.дан зиёд манзарали, 500 мингтадан зиёд тут ва 2 млн.га яқин гул кўчатлари экилди.

Биргина Сурхондарё вилоятидаги маҳалла фуқаролар йиғинларида «Ҳашар — Сурхон ёшларига ярашар» шиори остида ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Хусусан, йиғин фаоллари ва ёшлар «Ҳар бир ёшга — бир кўчат» ташаббуси билан чиқиб, маҳалла гузарлари, ички йўллар ва бўш ер-майдонларига 254 минг 500 туп манзарали, 150 минг 600 туп мевали, 75 минг тупдан зиёд тут ва 258 минг 300 дона гул кўчатлари экдилар.

— Ободлик кўнгилдан бошланади деганларидек, қишлоғимиздаги ҳар бир фуқаро, айниқса, ёшлар ҳашарларда фаол иштирок этмоқдалар, — дейди Тошкент вилояти Зангиота туманидаги Эшонгузар қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Раҳматилла Зарипов. — Қишлоғимизда жами 38 та кўча бор. Улар четларига ҳашар йўли билан 15 мингтадан зиёд манзарали ва мевали дарахт кўчатини экдик. Шунингдек, ҳашар йўли билан 2 та болалар майдончаси қайта таъмирланиб, фойдаланишга топширилгани ёшларга муносиб туҳфа бўлди.

Айтиш жоизки, шаҳар ва туманлар марказларида, маҳаллаларда ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишлари билан бирга, эҳтиёжманд оилалар, ёлғиз кексаларнинг турар-жойларини таъмирлаш, улар ҳолидан хабар олишдек савобли амаллар ҳам бажарилди.

— Ободлик бор жойда барака бўлади, — дейди пойтахтимизнинг Яккасарой туманидаги «Бошлиқ» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Комилжон Муҳаммадёров. — Маҳалламизда дам олиш кунлари ҳашар деб эълон қилинган. Ушбу қадрият бардавомлиги боис, ички йўлаклар, гузар атрофларига юздан зиёд мевали ва манзарали кўчатлар ўтқазилди. Битта янги болалар майдончаси ташкил этилди, кўпқаватли уйларнинг 48 та йўлаги таъмирланди. Аҳамиятлиси, ҳашар давомида кам таъминланган оилалар, ёлғиз кексаларнинг уй-жойларини таъмирлашга ҳам алоҳида эътибор қаратяпмиз. Жумладан, иккита кам таъминланган оила ҳамда битта ёлғиз қариянинг уй-жойи ҳам таъмирлаб берилди.

Бундай хайрли ишлар нафақат юрт ободлигига, балки мамлакатимизда экологик вазиятнинг барқарорлигини таъминлаш, ҳудудларнинг санитария-эпидемиологик ҳолатини яхшилаш, қолаверса, табиатни ҳимоялашда ҳам муҳим ўрин тутади.

«Обод турмуш йили» Давлат дастурига асосан, маҳаллалар ҳудудларини обод қилиш, кўкаламзорлаштириш, замонавий маҳалла марказлари ҳамда болалар майдончаларини қуриш, якка тартибдаги ва кўпқаватли турар-жойлар, биноларнинг ташқи кўриниши ва томларини янгилаш, кўчалар, йўлакларни капитал таъмирлаш, боғ яратиш каби вазифалар белгилаб берилган. Шунингдек, Фонд томонидан 15 млн. туп манзарали ва 29,5 млн. туп мевали дарахт, 10 млн. туп бута ва гул кўчатлари экиш белгиланган бўлса, баҳорги мавсумда ушбу режага биноан 10 млн.га яқин манзарали, 20 млн.га яқин мевали ва 8 млн.дан зиёд гул кўчатлари экиш кўзда тутилган.

Атроф-муҳит озодалиги бир киши ёки бир ташкилотнинг вазифаси эмас, албатта. Бу умумжамият ишидир.

Бир сўз билан айтганда, Давлат дастурида белгиланган устувор вазифалар ҳамда умумхалқ хайрия ҳашарлари ва ободонлаштириш ойликлари, ўз мазмун-моҳиятига кўра, Ватанимиз тараққиёти ва аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилади.

Анжуманда сўзга чиққанлар атроф-муҳит муҳофазасини таъминлаш ва ободонлаштиришда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари олдида турган муҳим вазифаларга алоҳида тўхталдилар.

Тадбир якунида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олдилар.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ

РАИС СЎЗ СЎРАЙДИ

# ОЗОД ЮРТНИНГ БАҲОРИ КЎРКАМ ВА ТАРОВАТЛИ



< [1]

Одамларнинг замонавий яшашга бўлган истак ва талаблари ҳисобга олинган ҳолда лойиҳалаштирилиб қурилган бу уйлар ҳар томонлама қулайлиги билан қишлоқ аҳлига манзур бўлмоқда. Айниқса, ёш оилаларга уйнинг нархи, банк кредити фоизининг пастлиги ва узоқ муддатга берилаётгани маъқул тушаётир. Бир томони қишлоққа, бир томони далага туташган бу шаҳарча қиёфаси кўзни қувнатади. Шунинг учун қишлоқда бундай уйга эга бўлишни истовчилар сони йил сайин кўпайиб бораётир. Талаблардан келиб чиқиб, бу йил ҳудудимизда яна янги лойиҳадаги 55 та уй қурилиши режалаштирилди.

Замонавий уй-жойлар, ижтимоий, маиший хизмат кўрсатиш иншоотлари қишлоқларимизнинг ташқи қиёфасини тубдан ўзгартираётир. Бу ободликни қишлоқ ҳаётининг бошқа жабҳаларида ҳам кўриш мумкин. Кўркам уйларга монанд боғ ҳовлилар, кенг, равон кўчалар қишлоқ кўркига алоҳида тароват бағишлайди. Ҳудуддаги 2 та умумтаълим мактаби кейинги йилларда қайта қурилиб, барча қулайликларга эга билим масканларига айлантирилди. Ижтимоий-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежида 650 нафар ўқил-қиз таълим олмоқда. 2 та замонавий қишлоқ врачлик пунктида аҳолига намунали тиббий хизмат кўрсатилмоқда. Вилоят марказига мунтазам автобус қатнови йўлга қўйилган.

Ҳудудимизда аҳолининг асосий даромад манбаи қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ. 14 та фермер хўжалигининг 800 гектарга яқин майдонида пахта, ғалла, мева, сабзавот етиштирилади. Муҳими, фермерлар фақат ўз иши, ўз ташвиши билан банд бўлиб қолмай, қишлоқни янада обод қилишга, ижтимоий муассасаларни, кам таъминлаган оилаларни қўллаб-қувватлашга ҳам ўз улушларини қўшишмоқда.

Аҳолининг турмуш фаровонлиги одамларнинг иш билан таъминланганига боғлиқлигини назарда тутиб, янги иш ўринлари ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилаётир. Бу борада давлатимиз томонидан тадбиркорлик фаолияти учун эркинлик ва қулайлик яратиб берилгани қишлоқ аҳлига қўл келаётир. Ҳудудимизда 20 нафардан зиёд тадбиркор турли хизмат кўрсатиш шохобчаларини очди. Айни пайтда ўндан зиёд савдо дўкони, сартарошхона, суратхона, темирчилик устахонаси, учта автомобилларга техник хизмат кўрсатиш устахонаси ишлаб турибди.

Яқинда фуқаролар йиғини фаоллари қишлоқ аҳли билан маслаҳатлашиб, Обод турмуш йилида амалга ошириладиган ишларни, Наврўз байрамига тайёргарлик тадбирларини режалаштириб олдик. Жорий йилда қишлоғимизда ичимлик суви тармоғини, ички йўлни таъмирлаймиз. Бу ишда ҳам фермерлар ўз ҳиссаларини қўшадиган бўлишди. Кунларнинг очиқ келаётганидан фойдаланиб ҳудудимизда ариқларни, болалар спорт майдончаларини таъмирлаб, кўча ва жамоат жойларида ободонлаштириш ишларини давом эттираётирмиз. Мақсадимиз халқимизнинг қадимий ва гўзал байрами — Наврўзни ҳар йилгидан ҳам ҳамжиҳатлик ва кўтаринкилик билан қарши олиш.

Пардабой БЕКМУРОДОВ,
Жиззах туманидаги
Учтепа қишлоқ фуқаролар
йиғини раиси.



ИҚТИДОР

# ГЎЗАЛЛИККА УЙҒУН ҚАЛБ ҲАМ, ҲУНАР ҲАМ



**Аёлсиз ҳаловат, аёлсиз бахт йўқ, дейишади. Дарҳақиқат, табиат унга нафақат гўзаллик ва ақлу идрок ато этган, балки яратувчанлик иштиёқини ҳам қалбига жойлаган. У нозиккина жуссасида рўзғор ташвишларию фарзандлар эркалигинигина кўтармайди, балки жамиятдаги ҳар бир соҳа ривожига ўз нуқтаи назари, билими ва меҳнати билан муносиб ҳисса қўша олади.**

Дилноза Умрзоқова ҳам замон билан ҳамнафас, ташаббускору тадбиркор аёллардан. Ҳунари ортидан эл-юрт олдида обрў топаётган истеъдодли дизайнер «Анор» ижодий жамоаси раҳбарлигида муваффақият қозонаётир.

Дилноза болалигидан дизайнерликка қизиқди. Мактаб даврида бу ҳунарнинг сирларини обдон ўрганди. Фаолияти давомида юртимизнинг турли ҳудудларидаги қизиқувчан қизларга дизайнерлик сирларини ўргатди. Ҳатто ундан ҳунар ўрганган баъзи қизлар Фарғонада, Наманган ва Хоразмда ўз дизайнерлик уйларини ташкил қилишган. Ёш дизайнернинг таъкидлашича, бу ҳунар бозорни янгича услубдаги кийим-кечаклар билан тўлдирибгина қолмай, коллежларда тикувчилик таҳсилини олаётганларни иш билан таъминлашда ҳам катта имконият яратади.

Айни пайтда «Анор» ательесида 4 нафар тикувчи фаолият юритаётир. Бундан ташқари, 10 нафардан зиёд ҳунар эгаллашга иштиёқманд қиз уларга кўмакчи. Қувонарлиси, бу қизлар яқин орада «Анор» ательесининг ходималари сафидан жой олишади. Ижодий маҳсуллари — турли либослар дизайнини матосию нақшларигача, ҳатто рангларигача аниқ тасаввур эта оладиган қаҳрамонимиз баъзан зарур хомашёларни бозорлардан топишга қийналар экан. Ана шу эҳтиёж бу тинибтинчимас аёлни атласу адраслар макони — Марғилон шаҳри томон чорлади. Ҳозир марғилонлик ҳунармандлар Дилнозанинг тасаввуридаги чизгиларни мато шаклида тайёрлаб беришаётир.

«Анор» ижодий жамоаси фаолиятига талайгина инсонларнинг меҳнати сингган. Улар фақаттина янги либослар яратиш билан чегараланиб қолмай, декоратив саҳналар, тўй интерьери, пардалар, елпиғич, ёстиқ ва ёпинғичларгача тайёрлашаётир.

— Яратилаётган либослар учун мос оёқ кийимларидан тортиб, ҳар бир аксессуар(сумкача, билакузук, узук, зирак, мунчоқ ва ҳоказо)гача ўзимиз ясаймиз, — дейди Дилноза Умрзоқова. — Уларнинг шакли, ранги ва кўриниши қандай бўлишини кўрсатиб бераман, қолганини қизларнинг ўзлари давом эттиришади. Анор меваси нафақат серҳосил ва ақиқдек товланувчи гўзалликка эга, балки унинг танамиздаги кўпгина дардларга шифо бўлувчи хусусияти ҳам бор. Биз танлаган либосларда ҳам ана шу хусусиятлар мавжуд. Мисол учун, шойи матосини олайлик: у одамни қишда иссиқ, ёзда салқин тутади. Қон айланишини яхшилайди, қон босимини меъёрда ушлаб туради. Агар истасангиз, буни ўзингизда синаб кўришингиз мумкин: 1 ҳафта давомида фақат шойидан тикилган кийимларни кийиб юринг, кайфиятингиз яхшиланганини, чарчоқни камроқ ҳис қилаётганингизни сезасиз. Қадимий матоларимиз замонлар оша бежиз бизнинг давримизгача етиб келмаган.

Ўзбек матоларини эрта тонгда нур сочиб, тароватини бутун олам узра ёяётган қуёшга ўхшатиш мумкин. Уларнинг жозибаси хориждан ташриф буюраётган сайёҳларни ҳам мафтун этмай қолмайди, албатта. Либосларимиздаги миллийлик ва замонавийликнинг уйғунлигини кўрган кўплаб юртимиз меҳмонлари турли кўринишдаги кийимларни харид қилиш истагини билдирмоқда. «Анор»нинг гўзал «дона»ларидан татиб кўрган сайёҳлар бугунги кунда дизайнерлик уйи билан ҳамкорликни йўлга қўйишга улгурган. Ҳатто бир гал 3 ой ичида мингтача кийим тиктириб, чевар қизларни шошириб ҳам қўйишди. Айни кунда тадбиркор Д.Умрзоқова Япония, Буюк Британия, Америка, Канада, Болтиқбўйи мамлакатларига ўзбекона гўзаллик барқ урган кийимларимизни буюртма асосида жўнатмоқда.

Истеъдод эгалари яратган ижод маҳсулларини кишилар эътиборига ҳавола эта олсагина, муваффақиятга эришишади. Шу мақсадда, у жорий йилнинг 25 январида ўз кўргазмасини ташкил этди. Бунда 50 га яқин либос икки йўналишда намойиш этилди. «Минимализм» деб номланган биринчи йўналиш ёз мавсумига мўлжалланган 20 та кийимни ўз ичига қамраб олди. Олқишларга сазовор бўлган тўпламнинг ютуғи — кундалик ҳаётда кийиладиган замонавий кўйлак, нимча, юбка ва бошқа ашёларда миллийликнинг устунлигида. Иккинчи йўналиш — «Тошкент оқшоми»дан 30 та оқшом либоси ўрин олди.

— Келажакдаги режаларимдан бири — «Anor kid's» болалар миллий кийимларини яратиш, — дейди биз билан суҳбатда дизайнер. — Қолаверса, кўкрак бези саратони хасталигига учраган юртимиз аёлларининг жисмоний камчиликларини беркитиш, ўзларини эркин ҳис қилишлари учун махсус бичимдаги либосларнинг 50 дан зиёд намуналарини тайёрлаб қўйганман. Энг катта орзуларимдан бири — уларни кийим ҳолига келтириб, бепул тарқатиш, бундай аёлларга озгина бўлса-да хотиржамлик ва қувонч улашсам дейман.

Турмуши обод, оиласида тинчлик-тотувлик барқарор бўлган инсоннинггина ишида унум бўлади. Дастлаб ота-онаси, сўнг қайнона-қайнотаси, турмуш ўртоғининг доимий қўллаб-қувватлаши, янги ғоялар бериб, ҳаракатга ундаши сабабли улкан марраларга эришиб келаётган Дилноза Умрзоқова фаолияти ҳавасга арзигулик.

Умида УЗОҚОВА,
журналист.




## Мактабда ёнғин

**Сенегал пойтахти Дакарда ўқув муассасаси ёниб кетди.**



Оқибатда мактабнинг 6 ёшдан 12 ёшгача бўлган тўққиз нафар ўқувчиси ҳалок бўлди.

«Associated Press» ахборот агентлигининг маълум қилишича, ёнғин тушлик вақтида, ёғоч деворли хонада 45 нафар ўқувчи ухлаб ётган маҳалда юз берган.

Тахминларга кўра, фалокатга ёнғин хавфсизлигига риоя этилмагани сабаб бўлган. Педагоглар ёнаётган мактаб биносидан фақат 36 нафар тарбияланувчини олиб чиқишга улгуришган, холос.

## Миллиардерлар макони

**Бугунги кунда дунёда 1453 нафар миллиардер бор. Уларнинг бойлиги ўтган йил давомида анча кўпайиб, 5,5 триллион долларга етди.**




Хитойнинг «Хужунь» журнали маълумотларига қараганда, энг кўп бойлар Осиёда қайд этилган (608 киши). Бу кўрсаткич бўйича ушбу ҳудуд биринчи марта Шимолий Америкадан ўзиб кетди.

У ерда 440 нафар миллиардер яшайди. Европада эса — 324 нафар. Осиёнинг энг бой кишиси рўйхатидан 85 ёшли гонконглик магнат Ли Ка-шин жой олган. У дунё бойлари рўйхатида еттинчи ўринни эгаллайди.

Ҳозир у 32 миллиард доллар миқдоридаги бойлик эгаси. Хитойда ҳаммаси бўлиб миллиардерлар сони 317 кишига етиб, бу кўрсаткич бўйича фақат АҚШ(409 нафар)дан орқада қолмоқда. Учинчи ўриндаги Россияда бундайлар сони 88 кишини ташкил қилади.

## Қаҳвада юрадиган машина

**Буюк британиялик кашфиётчи автомобиль учун энергия манбаи сифатида қаҳвадан фойдаланадиган қурилма яратди.**



У мазкур инновацион ёқилғида соатига 105,4 километргача машина ҳайдашга муваффақ бўлди. Экспертларнинг фикрича, бу ноёб кашфиётлар сирасига кирадиган улкан ютуқдир. Хабарларга қараганда, 42 ёшли кашфиётчи Мартин Бэкон ва унинг жамоаси қаҳва доначаларини қовуриш жараёнида ҳосил бўладиган чиқинди гранулалардан фойдаланади.

Бу гранулалар махсус печ-генераторларда қиздирилади ва натижада углерод (CO) ва водород қоришмаси пайдо бўлади. Улар совутилиб, фильтрлангач, автомобилни ҳаракатлантира оладиган энергия манбаи — ёнувчи газ пайдо бўлади.

«Қаҳвамашина» кашфиёти «Ford P100» — эски юк автомобилининг кичик турида синаб кўрилган.

Интернет маълумотлари асосида
Нилуфар ЮНУСОВА тайёрлади.

ҲУҚУҚИЙ САВОДХОНЛИК

# Битим — муносабатларни тартибга солувчи ҳужжат

**Юртимиздаги қулай инвестицион муҳит, тадбиркорлар учун яратилган шарт-шароитлар жаҳоннинг йирик савдо компаниялари ва ишбилармонларини ҳам қизиқтириб, хорижий инвесторларнинг маҳаллий тадбиркорлар билан ҳамкорлик истакларини, ҳаракатларини кучайтирмоқда.**

Бу эса, мамлакатимиз ишлаб чиқариш эгаларидан нафақат «ишнинг кўзини билиш»ни, айни пайтда мустаҳкам ҳуқуқий билимга эга бўлишни ҳам талаб этаётир. Жумладан, бозор талаблари асосида олди-сотди, маҳсулот етказиб бериш ва мол айирбошлаш операциялари бўйича савдо битимларини тузиш учун муайян ҳуқуқий кўникмага эга бўлмоғи шарт.

«Битим» сўзи она тилимизда ўзаро келишув, тўхтам ёки қарор маъносини англатади.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида белгиланишича, фуқаролар ва юридик шахсларнинг фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларини белгилаш, ўзгартириш ва бекор қилишга қаратилган ҳаракати битимдир.

Битимлар бир тарафлама, икки тарафлама ёки кўп тарафлама бўлиши мумкин. Битим тузиш учун қонун ҳужжатларига ёки тарафларнинг келишувига мувофиқ бир тарафнинг хоҳиши зарур ва етарли бўлса, бундай битим бир тарафлама битимдир. Агар шартнома тузиш учун икки тараф истак билдирса, икки тарафлама битим, уч ёки ундан кўп тарафнинг хоҳиши асосидаги битим эса кўп тарафлама битим саналади.

Битим оғзаки ёки ёзма шаклда тузилади. Шартноманинг ҳар иккала тури ҳам қонунан тасдиқланган. Оғзаки битим қонун ҳужжатларида ёки тарафларнинг келишувида шаклан белгиланмасдан, тузилаётган пайтидаёқ бажариладиган келишувдир.

Нотариал, яъни ёзма шаклдаги битимни тарафлар ва уларнинг вакиллари имзолаши жоиз. Икки тарафлама битимлар ҳар бирини бераётган тараф имзолайдиган ҳужжатларни ўзаро айирбошлаш орқали ҳам тузилади. Ёзма битимни бажарган тараф иккинчи тарафдан ижрони тасдиқловчи ҳужжат талаб қилишга ҳақли. Оғзаки тадбиркорлик битимини бажарган тараф ҳам ана шундай ҳуқуққа эга.

Таъкидлаш жоизки, битимга риоя қилмаслик унинг ҳақиқий эмаслиги ёки бекор бўлишига олиб келмайди. Бироқ низо чиққан ҳолларда тарафлар битимнинг тузилгани, мазмуни ёки бажарилганини гувоҳларнинг кўрсатмалари билан тасдиқлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинади. Бундай вазиятларнинг олдини олиш учун битимларни нотариал тасдиқлатиш зарур. Қонунда кўрсатилган ҳоллар бўйича ёки тарафлардан бири талаб қилса, битимни нотариал тасдиқлаш шарт.

Ер участкалари ва бошқа кўчмас мол-мулк билан боғлиқ битимлар давлат рўйхатидан ўтказилиши керак. Битимларнинг нотариал шаклига ёки уни давлат рўйхатидан ўтказиш талабларига риоя қилмаслик битимнинг ҳақиқий эмаслигини юзага келтиради. Бундай битим ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмайди. Қолаверса, қонун талабларига мувофиқ келмайдиган, вояга етмаган шахс ёки муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаро томонидан тузилган битимлар ҳақиқий ҳисобланмайди. Шунингдек, янглишиш таъсирида тузилган битимлар ҳам қонуний кучга эга бўлолмайди.

Хулоса қилиш мумкинки, Фуқаролик кодекси, фуқаролик қонунчилиги асослари каби манбалар билан тартибга солинувчи ушбу ҳуқуқий ҳужжатлар фуқаролар ҳуқуқини муносиб ҳимоялабгина қолмай, кишилар ўртасида ишончли ва самарали ҳамкорлик ўрнатилиши ҳамда турли муносабатларнинг самимийлик асосига қурилишига ҳам кўмаклашувчи қонуний асосдир.

**Маҳсума ОРТИҚОВА,
Миробод тумани 5-сонли
давлат нотариал идораси
нотариуси.**

МАҲАЛЛАМИЗ ИФТИХОРЛАРИ

# ЭЪТИБОР САМАРАСИЗ ҚОЛМАЙДИ

**Ўтган йили юртимиз футболи учун ёрқин саҳифаларга бой бўлди. Хусусан, Дилшод Нуралиев бошчилигидаги Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси Эронда ўтказилган Осиё чемпионатида ғолиб бўлди. Ушбу муваффақиятда «Бухоро» клубининг ҳужумчиси Акобир Тўраевнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор.**




Ёдингизда бўлса, Жанубий Корея ва Япония сингари номдор жамоалар дарвозасига Акобир томонидан киритилган голлар жамоамизнинг ғалаба қозонишида муҳим омил бўлган эди.

— Ўғлим болалигиданоқ футболга қизиқарди, — дейди унинг онаси Фароғат Асадуллаева. — Кечгача болалар билан майдонда тўп тепар, мен ёки акалари бошлаб келмасак, ўзи уйга кирай, демасди. Унинг қизиқиши, тенгқурларига нисбатан яхши ўйнашини кўриб, тоғаси Анвар Тангриев Вобкентдаги футбол мактаб-интернатида сабоқ олишни тавсия қилди. Бир йилдан сўнг ўқишини шу ердаги футбол мактабида давом эттирди. Шу ўринда ўғлимнинг мураббийларига раҳмат айтмоқчиман. Акобир кенжа ўғил бўлгани учунми, жуда шўх, ўйинқароқ эди. Бироқ футбол билан шуғулланишни бошлагач, анчагина ўзгариб, масъулиятни ҳис эта бошлади. Шу пайтгача машғулотларни бирор марта канда қилмаган.

— Ички мусобақами ёки халқаро майдондами — ҳар гал ўйинга тушар эканман онам, акаларим, мураббийлар ва бошқа яқинларим нигоҳини сезиб, улар ишончини оқлашга ҳаракат қиламан, — дейди Акобир. — Осиё чемпионлиги орзуларимнинг бошланиши, холос. Насиб этса, яхши ўйинларим орқали келгусида ҳам юртимиз довруғини янада юксакларга кўтаришга аҳд қилганман. Менингча, бу ҳар бир ўзбек спортчисининг орзуси бўлса керак.

Ҳа, спортчиларимизнинг келгуси мусобақалардаги иштироки бундан-да муваффақиятли, ғалабалари бундан-да юксак бўлишига шубҳа йўқ. Зеро, улар буюк аждодлар руҳи, оналар дуоси, Юртбошимиз эътибори ва ғамхўрлигидан куч олган ёшлардир.

Акбар РУСТАМОВ
«Mahalla»

ГУЗАРДАГИ ГУРУНГЛАР

# ОНА МЕҲРИ БИЛАН ЯШНАЙДИ ҲАЁТ

**...Ўшанда бола эдим. Тобим қочиб, уззукун деразa ёнидаги каравотда ётардим. Қора булутли осмон, ҳуштак чалиб эсаётган шамол, ёмғир томчиларининг дераза ойнасига урилиши мени зериктирар, онам атрофимда парвона эди.**

У гоҳ исириқ тутатади, дам-бадам кафтини пешонамга қўйиб иситмамни «текширади», гоҳ дардимга даво сўраб пичирлайди.

Эшик очилиб, остонада шифокор билан дадам кўринди. Чўғдек қизиган танамни қоплаган қизил доғларни кўрган шифокорнинг гаплари элас-элас эшитилди: «Бу — қизамиқ, иссиғи 39 даража. Тушириш керак. Ампициллиндан бошлаш лозим. Фақат кутасизлар».

Вужудим ёнар, дори-дармон кор қилмасди. Бир пайт қулоқларим чиппа битиб, кўз олдим қоронғулашди.

...Қарасам, онам нон ёпяпти. Қўшни Ойсанам момо тандир ёнига мук тушган. Атрофида набиралари. Онам тандирдан нон узиб уларга узатди, дастлаб болаларга бўлиб берган момо тишсиз милклари билан жиззали нондан чайнай бошлади. Бирам егим келдики...

— Менга ҳам иссиқ нондан озгина беринг... Ойижон, нон егим келяпти.

Овозимнинг борича қичқирсам-да, болаларнинг шовқинидан онам эшитмади. Азбаройи нон егим келганидан тинимсиз қичқиравeрибман чоғи, силлам қуриб, товушим чиқмай қолди... Бир маҳал ёстиғим, кўйлагим жиққа ҳўл ҳолатда кўз очдим. Иситмам тушган, бироқ жуда ҳолсиз эдим. Уйда бувим икковимиз. Бувимдан онамнинг қаердалигини сўрадим.

— Нон ёпяпти. Дадангг ишда. Иссиқ нон егинг келганмиди, мунчоғим?

Бош ирғадим. Дераза оша ташқарига назар ташласам, атроф қоронғу. Тонг энди ёришяпти, деган хаёлга бориб, телевизор кўрмоқчи бўлдим.

— Кўрсатувлар тугаган. Соат тунги уч. Бироз сабр қил, — деди бувим.

Тунги уч?! Бечора онам ярим кечаси хамир қорибдими?..

Ташқарида ёмғир тинган, аммо кучли шамол эсиб, бўралаб қор ёғарди. Бундай ҳавода биз томонларда ҳатто кундузлари ҳеч ким кўчага чиқмайди, чунки чўл аёзи беаёв. Қишлоғимиз аёллари нон тугаса, уй ичида қозон патир, чўзма, бўғирсоқ пишириб, бир-икки кун қаҳратоннинг қаҳрдан тушишини кутишади. Қўралар, мол-ҳол турадиган бостирмалар пичан ёки плёнкалар билан яхшилаб бекитилади, янги туғилган бузоқчаю қўзичоқлар уй ичида парваришланади. Онам эса...

Яна қарайман: ҳовли тўридаги тандирда олов гуриллар, онам нам тортган ўтинларни жон-жаҳди билан чопар, шох-шаббаларни синдирар, яхмалакка айланган тандир бошида у ёқдан бу ёққа ғимирларди. Уй томон қараб-қараб қўйганидан сезяпман: у қаттиқ хавотирда, шу боис аччиқ изғирин заҳрини ҳам унутган. Куни кеча тандирни тўлдириб нон ёпган бўлса-да, неча кундан бери туз тотмаган боласининг алаҳсираб айтган истагини бажариш учун совуққа парво қилмай, яна ишга киришган. Етарлича олов ёқилгач, чўғни тандир ўртасига уюмлади. Кейин унга сув уриш учун челакни қўлига олди, аммо челакдаги сув музлаб қолган эди...

— Мана, болам, жиззали нондан, е. Совумасидан олақол.

Онамнинг овозини эшитгач, дардим чекинди. Хонани ноннинг хушбўй иси тутган, қизариб пишган сават тўла жиззали нон иштаҳамни очиб юборди. Онам ёш боладек қувонар, менинг нон ейишимни мароқ билан кузатарди...

...Даврлар ўзгарди. Айни пайтда илғор тиббиёт турли даво усуллари воситасида қизамиққа деярли барҳам берди. Дори-дармон кор қилмагани боис, бемор болани ўз ҳолига ташлаб, тузалишини ҳадиксираб кутган ота-оналар эндиликда ўғил-қизларининг бу дарддан йироқлигидан кўнгли тўқ. Чўл бағридаги қишлоғимизда қиш чилласида нон ёпиш ҳозир муаммо эмас. Бироқ шуниси аниқки, она меҳри, она қалби, онанинг жонсараклиги ҳамон ўша-ўша. Унинг мўъжизакор меҳри на сарҳад, на замон, на-да макон танлайди. Дилбанди учун нафақат фасл аёзи, ҳатто ҳаёт қаҳратонини ҳам енгишга қодир куч бор унда. Она нуридийдасининг арзимас дардини аритмоқ учун ўз ҳаётидан кечишга ҳамиша тайёр. Бу зот ана шундай буюк қудрат эгаси, мўъжизакор фазилатлар соҳибаси.



...Боламнинг тоби қочгудек бўлса, мен ҳам баъзан тонгни бедор оттираман. Онам нон ёпган бўронли кеча хотиримдан кетмайди.

— Жиззали нон ейсанми? — дея сўраб ҳам қўяман гоҳи. Қизим илкис бош чайқайди.

Аслида оналар шунчаки нон ёпмаслигини қизим англашга ҳали ёшлик қилар. Аммо меҳрдан қорилган зуваларнинг нақадар тотли эканини, она қалбидаги муҳаббат алангаси тандир оташидан ҳам кучлироқ эканини у ҳам бир кун англаб етиши шубҳасиз.

ГУЛҲАЁТ.

Муассис: Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Республика бошқаруви

Mahalla
ижтимоий-сиёсий ва маърифий газета

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2006 йил 6 декабрда 0019 рақами билан рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Телефонлар:
236-53-93 233-10-73
236-53-75 236-57-62
Факс: 233-39-89

ISSN 2010-7013

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди, офсет усулида босилди.
Формати — А-2, 4 босма табоқ.
Саҳифаловчи: Л.Мейликов
Мусаҳҳиҳ: Н.Азимова
Навбатчи: Т.Низомов
Нашр навбатчиси: Н.Чориев
Нашр кўрсаткичи: 148

Таҳририят манзили:
Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси 32-уй
Индекс: 100083

«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили:
Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 30.

24580 нусхада чоп этилди. Буюртма J-6611 Топшириш вақти — 21.30 Топширилди — 22.00